


**Корхона ва ташкилотлар сони
(2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра)
(фермер ва дехқон хўжаликларидан ташқари)**



Юридик шахс:

Юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий хукуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот **юридик шахс** хисобланади.



Рўйхатдан ўтган тижорат корхоналари сони
(ташкилий-хукуқий шакли бўйича 2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)

12331



1 537



119



Масъулияти чекланган
жамияти

Оилавий корхона

Унитар корхона

3 452



27



274




Хусусий корхона

Акциядорлик жамияти


Бошқалар

Рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотларнинг туманлар бўйича сони
(2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)




2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотлар туманлар кесимида тақсимланганда, Нукус шахри (29,1 %), Тўрткўл (10,4%), Беруний (8,3%), Амударё (7,2%), Элликқалъа (6,2%), Қунғирот (5,4%), Хўжайли (5,0%), Нукус (4,6%), Чимбой (3,8%), Тахиатош (3,3%), Қораўзак (3,0%), Кегейли (2,7%), Қонликўл ва Шуманай (2,6%)дан, Мўйноқ (2,5%), Тахтакўпир (2,1%), Бўзатов (1,2%) туманлари хиссаларига тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари бүйича
рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотлар сони
(1 октябрь холатига кўра)




Корхона ва ташкилотлар
фаолиятининг умумий таръифи

Фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони
(1 октябрь ҳолатига кўра)




Иқтисодий фаолият турлари бўйича
фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони
(1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)



Фаолият курсатаётган тијорат корхоналар сони

(ташиклий-хуқуқий шакли бўйича 2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)



Акциядорлик жамияти:


Устав фонди муайян акциялар сонига бўлинган жамият -акциядорлик жамияти ҳисобланади -акциядорлик жамиятининг иштирокчилари (акциядорлар) унинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзларига карашли акциялар қиймати доирасида жавобгар бўладилар.

Акциялар ҳақини батамом тўламаган акциядорлар, акциядорлик жамиятининг мажбуриятлари бўйича, ўзларига карашли акциялар қийматининг тўламаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар.


Акциядорлик жамиятининг фирма номида, жамиятнинг номи ҳамда бу жамият акциядорлик жамияти эканлиги ўз ифодасини топиши керак.

Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони

(январь-сентябрь ойларида, бирликда)



Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони
(иқтисодий фаолият турлари бүйіча январь-сентябрь ойларыда, берлікда)




**Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг
ташкилий-хуқуқий шакли бүйіча таркиби**
(2020 йил январь-сентябрь ойларыда, умумий сонидаги улуши)



2020 йилнинг январь-сентябрь ойларыда 3 051 та корхонава ташкилотлар янги ташкил этилди. Шундан масъулиятты чекланған жамиятлар 2 032 та, хусусий корхоналар 330 та, оилавий корхоналар 489 та, муассасалар 55 та ва бошқалар 145 тани ташкил этди.

Кишлек, ўрмон ва балиқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланаётган
корхона ва ташкилотлар таркиби
(1 октябрь ҳолатига кўра)



Саноат йўналишида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони
(2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)



2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра саноат корхоналари ва ташкилотлари сони 2 683 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 119,6 % га ошиди.

Жами саноат корхоналари ва ташкилотлари сони кўпайишининг асосий омили ишлаб чиқариш (қайта ишлаш) саноатда – 119,5 % га (жами саноатдаги улуши 90,5 %), тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлашда – 115,7 % га (жами саноатдаги улуши 6,6 %), электр, газ, буг билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш – 154,2 % га (жами саноатдаги улуши 1,4 %) ўсишидир.

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишининг – 117,4 % ни (жами саноатдаги улуши 1,5 %) ташкил этади.

Қурилиш фаолияти билан шуғулланаётган корхона ва ташкилотлар сони
(1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)



2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра қурилиш соҳасида корхона ва ташкилотлар сони 2 253 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 105,0 % га ошиди. Жами қурилиш соҳасидаги корхона ва ташкилотлар сони кўпайишининг асосий омили фуқаролик объектларини қуриш – ўтган йилга нисбатан 114,8 % га (жами қурилишдаги улуши 8,9 %), ихтисослаштирилган қурилиш ишлари – 112,7 % га (жами қурилишдаги улуши 31,1 %) ўсишидир.


Бино ва иншоотлар қуришда 100,2 % ни (жами қурилишдаги улуши 60,0 %) ташкил этади.

Савдо соҳасида фаолият қўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони
(1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)

2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра савдо соҳасидаги корхоналар ва ташкилотлар сони 5 042 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 123,8 % га ошиди.

Жами савдо корхоналари ва ташкилотлари сони кўпайиши-нинг асосий омили автомобил ва мотоцикллар савдосидан ташқари чакана савдода ўтган йилга нисбатан – 126,6 % га (жами савдодаги улуши 69,4 %), автомобил ва мотоциклларнинг улгуржи ва чакана савдоси ва уларни таъмирлаш ўтган йилга нисбатан – 130,7 % га (жами савдодаги улуши 8,2 %) ўсишидир.

Автомобил ва мотоцикллар савдосидан ташқари улгуржи савдода ўтган йилга нисбатан – 113,8 % ни (жами савдодаги улуши 22,4 %) ташкил этади.



- Автомобил ва мотоциклларнинг улгуржи ва чакана савдоси ва уларни таъмирлаш
- Автомобил ва мотоцикллар савдосидан ташқари улгуржи савдо
- Автомобил ва мотоцикллар савдосидан ташқари чакана савдо

Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида
фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони
(2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)

- Соғлиқни сақлаш соҳасидаги фаолият

396



- Яшаш учун жой билан таъминланган ҳолда парваришлаш

13



- Яшаш учун жой билан таъминланмаган ҳолда ижтимоий хизматлар кўрсатиш

7



Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида
фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони
(2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)



86
Яшаш бўйича
хизматлар




1 112
Озиқ-овқат ва
ичимликлар етказиш
бўйича хизматлар


2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасидаги корхона ва ташкилотлар сони 1 198 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 108,0 % га ошиди.

Жами яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасидаги корхона ва ташкилотлар сони кўпайишининг асосий омили-озиқ-овқат ва ичимликлар етказиш бўйича хизматлар – 116,7 % га (жами яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасидаги улуши - 92,8 %), яшаш бўйича хизматлар утган йилга нисбатан – 104,9% (жами яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасидаги улуши – 7,2 % ўсишидир.

Кичик тадбиркорлик субъектлари сони
(2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)



Фаолият қўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони
(иқтисодий фаолият турлари бўйича 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)



Туманлар кесимида фаолият күрсатаётган
корхоналар ва ташкилотлар сони
(2020 йил 1 октябрь ҳолатига күра, бирликда)




Хорижий капитал иштирокидаги корхона ва ташкилотлар сони
(2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)



Рўйхатдан ўтган хорижий капитал иштирокидаги корхона ва ташкилотлар сони 2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра 167 тани ташкил этиб, улардан 164 таси ёки 98,2 % фаолият кўрсатмоқда. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олганда 22 тага ёки 115,6 % га ошганлигини кўриш мумкин.

2020 йил январь-сентябрь ойларида 11 та хорижий капитал иштирокидаги корхона ва ташкилотлар янги ташкил этилди.

Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони
(иқтисодий фаолият турлари бўйича 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)




Туманлар кесимида хорижий капитал иштироқидаги
фаолият кўрсатаётган корхоналар сони
(2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)

	Жами	шундан:	
		қўшма корхона	хорижий корхона
Қорақалпоғистон Республикаси	164	94	70
Нукус ш.	38	20	18
<i>туманлар:</i>			
Амударё	5	2	3
Беруний	10	3	7
Бўзатов	2	1	1
Қораўзак	11	8	3
Кегайли	7	5	2
Қунғирот	7	5	2
Қонлиқўл	6	3	3
Мўйноқ	28	21	7
Нукус	10	7	3
Тахиатош	11	3	8
Тахтакўпир	6	4	2
Тўрткўл	4	3	1
Хўжайли	4	1	3
Чимбой	5	3	2
Шўманай	5	2	3
Элликқалъа	5	3	2

Хорижий капитал иштироқидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг асосий қисми Нукус шаҳрида 38 та (умумий миқдордаги улуши 23,2 %), Мўйноқ 28 та (17,1 %), Қораўзак ва Тахиатош 11 тадан (6,7 %), ҳамда Беруний ва Нукус туманларида 10 тадан (6,1 %) туманлари хиссасига тўғри келади. Аксинча, Тўрткўл ва Хўжайли 4 тадан (2,4 %) ҳамда Амударё, Элликқалъа, Чимбой ва Шуманай 5 тадан (3,0 %) туманлари кўрсаткичлари паст даражани акс эттирган.

Туманлар кесимида жами хорижий капитал иштироқидаги корхоналарнинг
кўшма корхона ва хорижий корхоналарга тақсимланиши
(2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, жамига нисбатан улуши % да)



2017-2021 йилларда ривожланишининг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”нинг учинчи муҳим йўналиши – **халқаро иқтисодий хамкорликни янада ривожлантириш** хисобланади. Хорижий инвестициялар иштироқидаги корхоналар сони ўсиб бориши, энг аввало мамлакатдаги сиёсий барқарорлик ва инвестиция фаолиятининг қонуний асослари такомиллашиб бораётгани билан изоҳланади.


**Хорижий капитал иштирокидаги
фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг давлатлар кесимида сони
(2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)**



**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони
(иқтисодий фаолият турлари бўйича январь-сентябрь ойларида, бирликда)**



Оилавий корхоналар сони
(1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)




Ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича рўйхатдан ўтган оилавий корхоналар сони 2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра 1 537 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 546 тага ёки 1,6 марта га ошганлигини кўриш мумкин.

Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналар сони 1 461 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 498 тага ёки 1,5 марта га ошганлигини кўриш мумкин.

2020 йил январь-сентябрь ойларида янги ташкил этилган оилавий корхоналар сони 489 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 172 тага ёки 1,5 марта га ошганлигини кўриш мумкин.

Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг
туманлар кесимида сони
(2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)



Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри - ахборот-маълумотнома тусидаги, вақти-вақти билан янгилаб бориладиган маълумотлардан иборат бўлган, автоматлаштирилган тизим ҳисобланади ҳамда ягона классификациялар тизими асосида корхоналар ва ташкилотларнинг давлат ҳисобини ва уларни идентификациялаштиришни таъминлайди.

Рўйхатга олинган - рўйхатдан ўtkазиш органлари томонидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўtkазилган ҳамда юридик шахсларнинг давлат реестрида мавжуд бўлган юридик шахслар (фаолияти тутатилган юридик шахслардан ташқари).

Фаолият кўрсатаётган - рўйхатдан ўtkазиш органлари томонидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўtkазилган ҳамда давлат статистика органларига молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётганлиги ёки тугатиш жараёнида эканлиги тўғрисидаги маълумот келиб тушмаган юридик шахслар.

Янги ташкил этилган - рўйхатдан ўtkазиш органлари томонидан белгиланган тартибда юридик шахсларнинг давлат реестрига янгидан киритилган юридик шахслар.

Юридик шахсларнинг фаоллик даражаси - маълум бир даврда фаолият кўрсатмаётган юридик шахсларнинг жами рўйхатдан ўтган юридик шахсларга нисбатининг % даги ифодаси.

Кичик корхона ва микрофирмалар - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги “Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида” 275-сон қарорининг 1-иловасига мувофиқ кичик тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар.

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар - норезидентлар иштирокидаги корхоналар, хорижий юридик шахслар (хорижий фирмаларнинг филиаллари ва бўлимлари), корхонанинг устав фондида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирок этган корхоналар.